

# Шерободда "Халқаро хотин-қизлар куни" кенг нишонланди



“8-март - Халқаро хотин-қизлар куни” муносабати билан Шеробод туманидаги “Офарин” тантаналар саройида ўтказилган байрам тадбирида ҳам муҳтарама аёллар, лобарин опа-сингилларимизга эҳтиром кўрсатилди.

Тадбирда туман ҳокими З.Халилов иштирок этиб, барчани байрам билан қутлади ва хотин-қизларга байрам совғаларини улашди.

Камтарона дастурхон атрафида йиғилган гўзал аёл ва қизлар эса ширин дийдор, чиройли байрам дастуридан баҳра олиб, ҳақиқий байрам кайфиятини ҳис қилишди. Туман маданият бўлими ҳамда республикадан келган санъаткорлар ижросида янграган шўх куй-қўшиқлар тадбирга янада файз берди.